Халқ депутатлари Қўшработ туман Кенгашининг
ҚАРОРИ

2020 йил 30 декабрь № 68/16 Қўшработ ш.

Қўшработ туманининг 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Самарқанд вилояти Халқ депутатлари Кенгашининг “Самарқанд вилояти 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2021 йил учун Қўшработ тумани бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Қўшработ тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Самарқанд вилояти Халқ депутатлари Кенгашининг “Самарқанд вилояти 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан Қўшработ тумани бюджетига Самарқанд вилояти бюджетидан ажратилган:

тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 62 381 557,0 минг сўм миқдорида тасдиқланганлиги. Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнозининг ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунида белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

туман бюджетининг айланма касса маблағи 1 006 203,0 минг сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши қарорига асосан 2021 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари).

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа тўловлар вилоятнинг вилоят бюджети ҳамда туман маҳаллий бюджети ўртасида тақсимланади:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) 35 фоиз миқдорда туман бюджетига;

фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) 50 фоиз миқдорда туман бюджетига.

Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишда

2020 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2021 йил учун туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5 2021 йил учун маҳалла фуқоролар йиғинлари кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслар ҳамда юридик шаҳслар учун ер солиғи ставкасига чегаравий камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 3-4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2021 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажми 1 180 468,0 минг сўм миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги:

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин;

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунида белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Х.Оқбўтаев**

Халқ депутатлари
Самарқанд вилояти
Қўшработ туман Кенгашининг
2020 йил « 30 » декабрдаги
68/12 -сонли қарорига
1-илова

Қўшработ тумани маҳаллий бюджети даромадларининг 2021 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг.сўм

№	Даромад турлари	2021 йил
	Жами	**56 845 724,0**
1.	Фойда солиғидан тушумлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари)	3 967 679,0
2.	Айланмадан олинадиган солиқ	1 841 868,0
3.	Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	21 347 312,0
4.	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	1 152 974,0
5.	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	2 565 065,0
6.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	1 843 884,0
7.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно	1 474 105,0
8.	Бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи	1 409 446,0
9.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	9 383 947,0
10.	Алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи	7 054 500,0
11.	Мобиль алоқа хизмати учун акциз солиғи	3 809 460,0
12.	Жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	553 972,0
13.	Қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари)	425 449,0
14.	Айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун йиғимлар	
15.	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	16 063,0

Ижрочи: Туман ҳокимининг биринчи ўринбосарининг бош мутахассиси: **М.Умаров**

Туман хокимлиги молия бўлим мудири: **А.Холматов**

Туман Давлат солиқ инцпекцияси бошлиғи: **Н.Қорабоев**

Халқ депутатлари
Самарқанд вилояти
Қўшработ туман Кенгашининг
2020 йил « 30 » декабрдаги
68/6-сонли қарорига
2-илова

2021 йил учун Қўшработ тумани бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган ажратмаларининг умумий чекланган миқдорлари

минг.сўм

№	Кўрсаткичлар	2021 йил
Қўшработ туман бўйича харажатлари миқдори, Жами		**119 227 281,0**
1.	Туман халқ таълими бўлими	6 793 464,0
2.	Туман Мактабгача таълим бўлими	5 531 255,0
3.	Туман Тиббиёт бирлашмаси	38 767 727,0
4.	Туман Маданият бўлими	2 376 147,0
5.	Туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	1 603 073,0
6.	Туман Бандликка кўмаклашиш маркази	610 640,0
7.	Туман ҳокимлиги	54 180 978,0
8.	Туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими	1 036 672,0
9.	Туман ҳокимлиги Молия бўлими	718 567,0
10.	Туман Пенсия жамғармаси	450 405,0
11.	Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	530 681,0
12.	Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими	410 757,0
13.	Туман ободонлаштириш бошқармаси	5 762 873,0
14.	Туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими	454 042,0

Ижрочи: Туман ҳокимининг биринчи ўринбосарининг бош мутахассиси: **М.Умаров**

Туман хокимлиги молия бўлим мудири: **А.Холматов**

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Қўшработ туман кенгашининг 2020 йил "30" декабрдаги 68/6 сонли қарорига 3 -илова

2021 йил учун Қўшработ туман худудларининг иқтисодий ривожланишига қараб жисмоний шахслар бўйича ер солиғини ҳисоблашга доир камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар (деҳкон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжаллаган ерлардан ташқари)

Т.Р	МФЙ номи	Базавий солиқ ставкага нисбаттан камайтирувча ва оширувчи коеффицент (0,7 дан 3,0 гача)лар	Ер солиғи ставкаси (1 кв.м учун сўмда)
1	Бозоржой МФЙ	0,7	104,1
2	Бойпуришли МФЙ	0,7	104,1
3	Бойтуп МФЙ	0,7	104,1
4	Булок МФЙ	0,7	104,1
5	Дустлик МФЙ	0,7	104,1
6	Жонбулок МФЙ	0,7	104,1
7	Жуш ота МФЙ	0,7	104,1
8	Катта окмачит МФЙ	0,7	104,1
9	Кийким МФЙ	0,7	104,1
10	Ковунчи МФЙ	0,7	104,1
11	Коратош МФЙ	0,7	104,1
12	Кувкалла МФЙ	0,7	104,1
13	Кургон МФЙ	0,7	104,1
14	Кушработ МФЙ	0,7	104,1
15	Куштомголи МФЙ	0,7	104,1
16	Майинтепа МФЙ	0,7	104,1
17	Минишкор МФЙ	0,7	104,1
18	Озод МФЙ	0,7	104,1
19	Окмачит МФЙ	0,7	104,1
20	Охчапсой МФЙ	0,7	104,1
21	Пангат МФЙ	0,7	104,1
22	Сохибкор МСГ	0,7	104,1
23	Тегирмоновул МФЙ	0,7	104,1
24	Тоз МФЙ	0,7	104,1
25	Урганжи МФЙ	0,7	104,1
26	Уртасой МФЙ	0,7	104,1
27	Хонназар МФЙ	0,7	104,1
28	Чинок МФЙ	0,7	104,1
29	Чорлок МФЙ	0,7	104,1
30	Шова МФЙ	0,7	104,1
31	Шована МФЙ	0,7	104,1
32	Юкори жуш МФЙ	0,7	104,1
33	Юкори сарой МФЙ	0,7	104,1
34	Янгикишлок МФЙ	0,7	104,1
35	Бозоржой МФЙ	0,8	119,4
36	Навкат МФЙ	0,8	119,4
37	Пичот МФЙ	0,8	119,4
38	Пичот МФЙ	0,9	133,9
39	Сохибкор МФЙ	0,9	133,9
40	Булокбоши МФЙ	1,1	163,6
41	Заркент МФЙ	1,1	163,6
42	Куралос МФЙ	1,1	163,6
43	Мустакиллик МФЙ	1,1	163,6

Изох;Самарқанд вилояти бўйича Жисмоний шахслар учун 1кв/м ер майдонига базавий солиқ ставкаси 297,60 сўм белгиланган.Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши қарорига асосан Қўшработ туманига базавий солиқ ставкасига нисбатдан 0,50 коэффицент белгиланган.(297,6*0,50=148,80)яни 2021 йил учун Қўшработ туманида базавий солиқ ставкаси 148,80 сўмни ташкил қилади.

Ижрочи: Туман ҳокимининг биринчи ўринбосарининг бош мутахассиси М.Умаров

Туман хокимлиги молия бўлим мудири: А.Холматов

Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи: Н.Қорабоев

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Қўшработ туман кенгашининг 2020 йил "30" декабрдаги 68/16 сонли қарорига 1-илова

2021 йил Қўшработ туман худудларининг иқтисодий ривожланишига қараб юридик шахслар бўйича ер солиғини ҳисоблашга доир камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар

Т.Р	МФЙ номи	Базавий солиқ ставкага нисбаттан камайтирувча ва оширувчи коеффицент (0,7 дан 3,0 гача)лар	Ер солиғи ставкаси (1 га учун млн.сўмда)
1	Бозоржой МФЙ	0,7	11,55
2	Бойпуришли МФЙ	0,7	11,55
3	Бойтуп МФЙ	0,7	11,55
4	Булок МФЙ	0,7	11,55
5	Дустлик МФЙ	0,7	11,55
6	Жонбулок МФЙ	0,7	11,55
7	Жуш ота МФЙ	0,7	11,55
8	Катта окмачит МФЙ	0,7	11,55
9	Кийким МФЙ	0,7	11,55
10	Ковунчи МФЙ	0,7	11,55
11	Коратош МФЙ	0,7	11,55
12	Кувкалла МФЙ	0,7	11,55
13	Кургон МФЙ	0,7	11,55
14	Кушработ МФЙ	0,7	11,55
15	Куштомголи МФЙ	0,7	11,55
16	Майинтепа МФЙ	0,7	11,55
17	Минишкор МФЙ	0,7	11,55
18	Озод МФЙ	0,7	11,55
19	Окмачит МФЙ	0,7	11,55
20	Охчапсой МФЙ	0,7	11,55
21	Пангат МФЙ	0,7	11,55
22	Сохибкор МСГ	0,7	11,55
23	Тегирмоновул МФЙ	0,7	11,55
24	Тоз МФЙ	0,7	11,55
25	Урганжи МФЙ	0,7	11,55
26	Уртасой МФЙ	0,7	11,55
27	Хонназар МФЙ	0,7	11,55
28	Чинок МФЙ	0,7	11,55
29	Чорлок МФЙ	0,7	11,55
30	Шова МФЙ	0,7	11,55
31	Шована МФЙ	0,7	11,55
32	Юкори жуш МФЙ	0,7	11,55
33	Юкори сарой МФЙ	0,7	11,55
34	Янгикишлок МФЙ	0,7	11,55
35	Бозоржой МФЙ	0,7	11,55
36	Навкат МФЙ	0,7	11,55
37	Пичот МФЙ	0,7	11,55
38	Пичот МФЙ	0,8	13,20
39	Сохибкор МФЙ	0,7	11,55
40	Булокбоши МФЙ	1	16,50
41	Заркент МФЙ	1	16,50
42	Куралос МФЙ	1	16,50
43	Мустакиллик МФЙ	1	16,50

Изох;Самарқанд вилояти бўйича Юридик шахслар учун 1 га ер майдонига базавий солиқ ставкаси 33,0 млн.сўм белгиланган.Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши қарорига асосан Қўшработ туманига базавий солиқ ставкасига нисбатдан 0,50 коэффицент белгиланган.(33,6*0,50=16,5) яни 2021 йил учун Қўшработ туманида базавий солиқ ставкаси 16,5 млн.сўм сўмни ташкил қилади.

Ижрочи: Туман ҳокимининг биринчи ўринбосарининг бош мутахассиси М.Умаров

Туман хокимлиги молия бўлим мудири: А.Холматов

Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи: Н.Қорабоев